

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 6/s

**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/6 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси хузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент аҳборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шоҳида Зайнине – педагогика фанлари доктори, доцент.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-туманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари** электрон журнали  
1368-сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиги.

#### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атакуллович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Мамаражабов Бобир Нормүмин ўғли</i> САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК .....	8-17
<i>Хайдаров Абдулҳоди Ахмадали ўғли</i> XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ТОМОРҶАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР .....	18-22
<i>Назаров Азизбек Ёқубжонович</i> ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ .....	23-31
<i>Abdulloyev Jamshed Izzatulloyevich</i> MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI .....	32-36
<i>Пасилов Баҳодир Абдуллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНинг АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) .....	37-41
<i>Ismailov G'afurjon Xasanovich</i> TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI" MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI .....	42-46
<i>Raxmatulloyev Murodjon Xikmatulloyevich</i> BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA OID ISLOHOTLAR .....	47-50
<i>Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna</i> SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY T AHLIL .....	51-55
<i>Нафиддинова Хосият Равшановна</i> БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР .....	56-60

### **08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Zhang Hongzhi, Wu Bo</i> RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR SPREAD .....	61-66
<i>Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna</i> MIN TAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI .....	67-72
<i>Nayimov Shoxruh</i> PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A COMMERCIAL BANK .....	73-79

*Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich*

ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE  
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 80-88

*Rahmatullaev Bezhzod Rahmatullaevich*

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
МАСАЛАЛАРИ ..... 89-95

*Abdullayeva Zamira Muxtarovna*

МЕҲНАТ BOZORI TALABLARIGA OLIY TA'LIM XIZMATLARI MODELLARINI  
MOSLASHTIRISH ..... 96-102

*Imomov Xolmurod Norkulovich, Sharipov Tulkin Saidakhmedovich*

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ ..... 103-114

*Erqashov Akmadzhon Mahmudjon yfli*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 115-122

## 09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

*Imomova Nozimaxon Avazxonovna*

JAMIyat FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS IJTIMOIY-FALSAFIY  
XUSUSIYATLARI ..... 123-129

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*

ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI ..... 130-133

*Jabborova Saodat Sattorovna*

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA'NAVIY SALOHIYATNI YUKSALTIRISHDA QO'SHGAN  
HISSASI ..... 134-142

## 10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Tuxtasinova Mahliyoxon Shavkatjon qizi*

L.Z.BUDAGOV LUG'ATIDA ESKI O'ZBEKCHA SO'ZLARNING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA  
IZOHLANISHI ..... 143-149

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TA'LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDА EKVIVALENTLIK  
MASALASI ..... 150-154

*Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna*

UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY  
TA'MINOTI ..... 155-160

*Mirzayeva Yelena Sa'dullaevna*

O'ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH ..... 161-166

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*

INGLIZ TILIDAGI KO'P MA'NOLI IBORALARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI .....	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida) .....	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> “МАНБУБ UL-QULUB” ASARIDAGI FRAZEMALAR LARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	177-181

**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Zulfiqarov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР FAOLIYТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	182-191
<i>Talibaev Umidjon Shergaziyevich</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ. ....	192-199

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES .....	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESSOF A FOREIGN LANGUAGE .....	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI .....	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI .....	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON-PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN .....	237-242
<i>Raxmatova Mexrinoz Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHIYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI .....	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	248-254

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

**Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич,**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
мустақил изланувчиси

## **ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари транспорт ва туризм хизматлари мисолида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** Трансформация, хизмат кўрсатиш соҳаси, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий ўсиш, драйвер, оиласвий тадбиркорлик.

---

**Rakhmatullaev Behzod Rakhmatullaevich,**  
Independent researcher of  
the Samarkand Institute of Economics and Service

## **PRIORITY ISSUES OF DEVELOPMENT OF THE SERVICE SECTOR**

**Abstract.** The priority directions of the development of the service sector are revealed in this article on the example of transport and tourist services.

**Keywords:** Transformation, service sector, economic development, economic growth, driving force, family entrepreneurship.

---

**Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич,**  
Независимый исследователь  
Самаркандского института экономики и сервиса

## **ПРИОРИТЕТНЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ**

**Аннотация.** Приоритетные направления развития сферы услуг раскрываются в данной статье на примере транспортных и туристических услуг.

**Ключевые слова:** Трансформация, сектор услуг, экономическое развитие, экономический рост, движущая сила, семейное предпринимательство.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N14>

**Кириш.** Маълумки, мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий сиёсатида хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегиясининг учинчи “Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” устувор йўналишида 29 - “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 80 фоизга ва экспортдаги улушкини 60 фоизга етказиш” ва 34-“Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш” мақсадлари белгиланди[1].

Бугунги кунда республикада хизмат кўрсатиш корхоналарини барқарор ривожланиши, уларнинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили ҳисобланган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. « ... кичик бизнес – бу маҳаллага, туманга янги муҳит олиб кирадиган, одамларимизга шиёкат берадиган катта кучdir.

Иқтисодиёти жадал ривожланаётган кўплаб давлатларда иш ўринларининг 70-80 фоизи шу соҳа вакиллари томонидан яратилмоқда. Барча нуфузли компаниялар тарихи ҳам айнан кичик ва ўрта бизнесдан бошланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда микро-бизнес ва оиласий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича катта амалий ишлар қилинди. Дастурлар орқали микро-бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга ҳар йили 1 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтиряпмиз. Натижада бугун ҳар бир маҳаллада камида 40-50 нафар янги тадбиркор пайдо бўлиб, минглаб доимий иш ўринлари яратилмоқда. Лекин кичик бизнесни манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бундай муҳит ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмади, десак, адолатдан бўлади»<sup>1</sup>. Бу вазифаларни ҳал этишда хизмат кўрсатиш корхоналарининг ресурс салоҳиятини ошириш омилларини аниқлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқаришнинг самарали усусларини жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифати ва рақобатбардошлигига эришиш, корхоналар фаолиятини ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш каби йўналишларда илмий-тадқиқотларни чукурлаштириш долзарб ҳисобланади.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи.** Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали оила фаровонлигини таъминлашнинг фундаментал масалаларига АҚШ ва Евropa иқтисодчи олимларидан R. C. Anderson, D. M. Reeb, G. A. Tanewski, D. Prajogo, A. Sohal, T. Beehr ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари бағишиланган. Россиялик олимлардан Н.М.Бархатова, А. Волков, С. О. Календжян, Е.В.Корчагина, В.А. Королев ва А.Черницкийлар оила фаровонлигининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти, типлари, таснифланиши ва назарий концептуал асослари ҳамда уни ривожлантириш масалаларини ўз ишларида тадқиқ этганлар.

Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан Б.А.Адукаримов [3], М.Қ. Пардаев [6,7], Ш.О.Қувондиқов [4], Д.Р.Зайналов [12], Н.Тўхлиев [9] ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишиланган.

Ф.Котлер хизматни бир томоннинг бошқасига тақдим этиши мумкин бўлган ва асосан номоддий кўринишда бўлган ҳар қандай тадбирлар ёки фойда сифатида тушунтиради [13].

<sup>1</sup> Тадбиркорлик ривожини янада юксак босқичга кўтариш – устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 18 августдаги **мамлакатимиз тадбиркорлари билан очик мулокот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи**.<https://president.uz/uz/lists/view/6561>

Хизматлар иқтисодий фаолият сифатида таърифланиши мумкин. Хизмат бу ҳатти-ҳаракатлар, ишлар ёки ишларни бажариш бўлиб, улар номоддийдир [11]. Хизмат – бу турли тақдим этадиган номоддий активлари ёрдамида шахсий ҳаётимизнинг қийматини оширадиган корхоналарнинг маҳсулотидир [12].

В.А.Яковлев томонидан берилган «хизмат» тушунчасига оид яна бир қизиқарли фикрни келтириб ўтамиз, унга қўра, у ушбу тушунчанинг икки томонининг диалектик бирлигини таъкидлайди: хизматлар меҳнат жараёни сифатида, меҳнат шаклларидан бири сифатида (бу борада бу истеъмол қиймати эмас) ва аниқ меҳнат натижаси сифатидаги хизматлар, унинг самарали натижаси, бунда эса у истеъмол қийматига эга [14].

М.М.Мухамедовнинг фикрича, «Хизмат» тушунчасининг мантиқий мазмун-моҳияти шундаки, у инсон фаолияти маҳсули сифатида меҳнатнинг бошқа турларидан ўзида алоҳида бир муҳим хусусиятни мужассамлаштирганлиги билан ажralиб туради. Хизматлар – кишилар ўртасидаги бевосита, тўғридан-тўғри, яъни моддий шаклдаги воситаларсиз ўзаро фаолият – неъмат, ишлаб чиқариш, истеъмол муносабатларини ифодалайди [5].

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, статистик маълумотлар асосида уларни таҳлиллари амалга оширилиб илмий хуносалар берилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори[2] қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан, «Янги Ўзбекистон» масивларида хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этишнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланиб, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут тумани маҳаллаларида 121 та хизмат кўрсатиш обьектлари ташкил этилиши белгиланди. Шунингдек, вилоятда Самарқанд шаҳрида 5 та, Самарқанд туманида 1 та, Ургут туманида 1 та жами 10,3 гектар майдонга 7 та йирик савдо комплекслари ва ҳудудий савдо-логистика марказлари ташкил этилиши назарда тутилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг ривожланишининг саноат ишлаб чиқаришига нисбатан ўзига хос жиҳати, саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлса, хизмат кўрсатишда эса унинг баъзи тармоқларида вақт ўтиб бориши билан меҳнат унумдорлиги ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлади.

Шунинг учун ҳозирги инновацион ривожланиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, бир томондан, бандлик даражасини оширишни таъминласа, иккинчи томондан, меҳнат салоҳиятини ошириш имконини беради. Хизматлар соҳасининг ривожланиши ва иқтисодиётнинг трансформациялашуви аҳоли бандлиги даражасини ошириш ва ишга жойлашиш ҳамда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда мослашувчанликнинг шаклланишини зарурат этмоқда.

**1-жадвал**

**Самарқанд вилояти ялпи худудий маҳсулотининг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
ЯҲМ	млрд.сўм	27039,0	32863, 7	39050,5	43834,7	52893,6	62440,3
	Ўтган йилга нисбатан, %	101,5	100,7	105,6	102,4	108,5	105,8
Ялпи қўшилган қиймат	млрд.сўм	26645,5	32289, 7	37936,3	42478,3	51784,4	60866,2
	Ўтган йилга нисбатан, %	101,5	100,6	105,5	101,6	108,5	105,7
Махсулотларга соғ солиқлар	млрд.сўм	393,5	574,0	1114,2	908,3	1109,2	1574,1
	Ўтган йилга нисбатан, %	102,9	109,0	108,4	107,8	108,8	109,7
Саноат маҳсулоти (қурилишни қўшган ҳолда)	млрд.сўм	4382,9	6264,2	7284,1	8779,7	10523,1	13474,5
	Ўтган йилга нисбатан, %	100,2	114,1	110,5	107,1	112,9	109,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд.сўм	13213,9	15350, 5	16925,5	19346,3	22672,3	24652,2
	Ўтган йилга нисбатан, %	100,5	94,4	103,0	102,7	103,3	103,6
Жами хизматлар, шундан:	млрд.сўм	9048,7	10675, 0	13726,7	14352,3	18589,0	22739,5
	Ўтган йилга нисбатан, %	103,6	103,2	106,2	97,3	112,6	106,3
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	млрд.сўм	1641,5	1980,1	2430,5	2720,2	3350,6	4190,8
	Ўтган йилга нисбатан, %	102,7	103,1	106,8	100,3	112,1	111,0
Ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	млрд.сўм	1916,7	2106,4	2348,7	2504,2	3299,6	3876,6
	Ўтган йилга нисбатан, %	105,5	106,0	104,5	98,2	122,8	110,9
Бошқа хизматлар	млрд.сўм	5490,5	6588,5	8947,5	9127,9	11938,8	14672,1
	Ўтган йилга нисбатан, %	103,3	102,2	106,6	96,2	110,0	103,7

Самарқанд вилоятининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳдилига назар солсак, ялпи худудий маҳсулот ҳажми 2022 йилда ўтган йилга нисбатан 105,8 %га ўсган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда ўтган даврга нисбатан 108,5 % бўлган. Ҳудудда ялпи қўшилган қиймат ҳажми ўтган йилга нисбатан 2022 йилда мос равища 105,5 % ва 2021 йилда 108,5 %га ошган. Саноат маҳсулоти (қурилишни қўшган ҳолда) ҳажми 2017 йилда ўтган йилга нисбатан 100,2 %, бу кўрсаткич 2022 йилда 109,3 %га ошган. Хизмат кўрсатиш ҳажми эса ушбу даврларда 2017 йил – 103,6 %, 2022 йил – 106,3 %га ошган.

<sup>1</sup> Манба: Самарқанд вилояти Давлат статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Шунингдек, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ўсиш суръатларида барқарорлик таъминланган. Айниқса, 2020 йилда жаҳонда юз берган коронавирус пандемияси оқибатлар хизматлар соҳаси, хусусан туризм тармоғига жиддий равишда салбий таъсир кўрсатди. Хусусан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар ҳажми 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 97,3 %га бажарилган. Ушбу тармоқларда пасайиш тенденциясининг кузатилиши пандемия оқибатларини юмшатиш мақсадида қатъий чекловларнинг ўрнатилиши ҳамда одамлар ва корхоналар фаолиятини тўхтатилиши натижасида савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатиш имкониятлари пасайди. Шунингдек, пандемия шароитида рақамли технологияларга асосланган фаолиятнинг кенгайиб бориши ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари ҳажмини (2020 йилда 98,2 %) пасайишига олиб келган. Бироқ, 2020 йилда ҳам саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари унда яратилган ялпи маҳсулот ҳажми ошиб борган (1-жадвал).

Хизмат кўрсатиш соҳаси тенденцияларини ўрганишда транспорт хизматлари мисолида кўриб чиқамиз. Мамлакатимизда транспорт хизматларини ўсиш истиқболлари аввало, саноатни транспорт воситалари, шу жумладан енгил машиналар, оғир юк машиналари, темир йўл ҳаракатланувчи таркиби, контейнер терминаллари билан техник жиҳозлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, транспорт тарифлари, уларнинг қўпайиши ички транспорт транспортининг логистика хизматлари билан уйғунлашувига олиб келиши мумкин. Шунингдек, мамлакатимизда вилоятлараро ва мамлакатлараро йўналишларда қўплаб транспорт турларидан фойдаланиш асосида транзит йўлакларини яратиш ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, ушбу истиқболли йўналишларни амалга ошириш, бошқа йирик мамлакатларда бўлгани каби, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат томонидан катта инвестициялар ва молиявий ҳаражатлар келиб чиқсан тақдирдагина мумкин бўлади. Бундан ташқари, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг транспорт хизматлари соҳасида муаммоларнинг келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири бу транспорт воситаларининг ҳаракатланишидаги йўл инфратузилмаси билан боғлиқлигиdir. Бу эса транспорт хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фаолиятни рақамлаштиришни ҳам тақозо қиласди. Бундан ташқари, транспорт соҳасида ушбу фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмини ҳам такомиллаштиришга эҳтиёж сезади. Масалан, бир қатор ҳудудлараро йўл инфратузилмасини яхшилаш, транспорт ва экспедиторлик фаолияти, аралаш транспорт, транзит транспорт ва бошқа жараёнлар билан боғлиқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият қасб этмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида туризм хизматларининг ўрни ҳам катта ҳисобланади. Чунки, туризм хизматларининг кўрсатилиши нафақат, туризм ҳажмининг ошишига, балки хизматлар соҳасининг бошқа турларидан ҳам фойдаланилади. Масалан кириш ва ички туризм ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, сўнгги йилларда чет эллик ва Ўзбекистонлик сайёҳлар сони кескин ошди, аммо мамлакатимизда туризм бизнесини ривожлантириш истиқболлари асосан мамлакатимиз фуқароларининг фаровонлигининг ўсиши (чет элга саёҳат) ва маҳаллий туризм саноатининг моддий базасининг ривожланиши билан белгиланади, бу ҳам моддий инфратузилмага катта сармоя киритишни талаб қиласди. Ўзбекистон Республикасидан туристик хизматларни экспорт қилиш (чет эллик сайёҳларни жалб қилиш) хизматлар экспортини

ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши бўлиб, келажакда сезиларли барқарор даромад олиш манбаларини яратишга хизмат қиласди. Шунга қарамай, ушбу йўналишнинг ривожланиши мамлакатдаги умумий иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги транспорт, алоқа ва меҳмонхона хўжаликлари иқтисодиётининг ривожланиши билан боғлиқдир. Хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, сайёҳлик хизматлари экспорти, айниқса саноат инфратузилмаси мавжуд бўлмаган жойларда кўплаб иш ўринларини таъминлайди.

**Хулоса ва таклифлар.** Хизмат қўрсатиш соҳасининг динамик ўсишига ёрдам берадиган асосий омил сифатида унинг кўлами ва ҳозирги йўналиши илмий, техник ва технологик тараққиёт ҳисобланади. Илмий техник тараққиёт натижалари туфайли интернет ва электрон почта хизматлари, кабель телевидениеси ва сунъий йўлдош алоқаларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари, янги турдаги хизматлар ва хизмат қўрсатиш фаолияти маҳсус кичик тармоқларга, масалан, электрон тижорат, уяли алоқа ва бошқаларга ажратилган. Бу ўз навбатида қўшимча меҳнат ва капитал оқимини таъминлади. Янги технологиялар мижозларга хизмат қўрсатиш билан шуғулланадиган ташкилотларда бизнес юритиш усусларини тубдан ўзгартирмоқда. Бундай кучли импульслардан бири ҳозирги вақтда компьютер технологиялари ва телекоммуникацияларнинг интеграцияси ҳисобланади.

Технологик тараққиёт бошқа кўплаб хизмат турларига ҳаво транспортидан тортиб то чакана савдога таъсир қиласди. Янги ёки такомиллаштирилган хизмат қўрсатиш тизимларининг авлоди тўловларни амалга ошириш, буюртмаларни қабул қилиш каби операцияларни сезиларли даражада ўзгартиришга, шунингдек монотон ишларни машиналар билан алмаштиришга ва ўз-ўзига хизмат қўрсатиш тизимларини ишга тушириш орқали истеъмолчиларни ташкилот фаолиятига кўпроқ жалб қилишга имкон беради. Масалан, банкоматларни жорий этиш орқали банк операцияларини автоматлаштириш хизмат олувчиларга ходимлардан фойдаланиш деярли имконсиз бўлган жойларда кечак-ю кундуз хизмат қўрсатишга имкон беради. Тўлов воситаси сифатида аста-секин қофоз пулларни алмаштирадиган кредит карталаридан фойдаланиш мижозларга тўғридан-тўғри савдо марказларида ва тегишли электрон терминаллар билан жиҳозланган бошқа харид қилиш жойларида тўловларни амалга ошириш имконини беради. Хизматлар учун тўсиқларни бартараф этиш ёки камайтириш орқали ахборот-коммуникация технологиялари хизматлар, шу жумладан хорижий хизматлар учун янги имкониятлар ва янги бозорларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, сифат қўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланади: истеъмолчилар Реал вақт режимида жуда кўп маълумот ва юқори даражадаги хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, бошқача айтганда, харажатлар бирлиги учун юқори фойда олишади. Шу нуқтаи назардан, хизматларни тақдим қилиш ва уларни қўрсатиш жараёнида сифатни таъминлаш ҳамда тенденцияларни ўрганиб таҳлиллар асосида хулосаларга келиш муҳимдир. Шунингдек иқтисодиётнинг трансформациялашуви шароитида ушбу хизматлар рақамли технологиялар воситасида доимий такомиллашади ва ривожланиб боради.

**Адабиётлар/Литература/Reference:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда ПФ-60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги ПҚ-104-сонли “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
3. Адукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, II қисм Т.: «Фан ва технология». 2008.
4. Кувондиқов Ш.О. Хизмат соҳасида оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари номзоди. Дис. автореферати. Самарқанд: СамИСИ, 2008.- 23 б.
5. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари (монография). – Самарқанд: Zarafshon, 2017. – 300 б., 46-б.
6. Пардаев М.Қ., Исройлов Ж.И., Гаппаров А.Қ. Хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш муаммолари. Рисола. Самарқанд. “Зарафшон”, 2009. - 66 б.- 4,1 б.т.
7. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж. Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув кўйлланма. - Т.: “Иқтисод-молия ”, 2014. - 384 б.
8. Тўхлиев Н., Ўзбекистон иқтисодиёти. - Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.
9. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. Т.: ‘Fan va texnoloqiya’, 2007. – 16 б.-1,0 б.т.
10. Зайналов Д.Р. Услуги и сервис как экономическая категория. // “Сервис” журнали. Самарканд: 2009, 1-сон. – 70-77 бетлар. – 0,6 б.т.
11. К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердик Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд. / Пер. с англ. Под ред. В. В. Кулибановой. - СПб: Питер, 2002. - 752 с : ил. - (Серия «Теория и практика менеджмента»).
12. К.Хаксевер, Б.Рендер, Р.Рассел, Р.Мердик Управление и организация в сфере услуг, 2-е изд. / Пер. с англ. Под ред. В. В. Кулибановой. - СПб: Питер, 2002. – С 256: ил. - (Серия «Теория и практика менеджмента»).
13. Котлер Ф. Основы маркетинга. М.: Прогресс, 1991. С. 638.
14. Яковлев В.А. Карьера менеджера: пер. с англ. М.: Прогресс, 1990. – С. 16.

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/6 (3) – 2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).